



## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### FIШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИМТИЁЗЛАР

Молия вазирлиги ва Давлат солик кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 24 июляда 1985-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солик имтиёзлари ва преференцияларни кўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Ҳужжат Президентнинг 2009 йил 19 июндаги ПК-1134-сон қарорини бажариши мақсадида қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ 2009 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 январига қадар маҳсус печлардан (айланма, туннелсимон ва бошқалар) фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қўймат солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, мол-мulk солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилми ривоҷлантириш солиғи, ягона солик тўлови, давлат мақсади жамғармаларига ва буюд жетдан ташқари Мактаб таълимни ривоҷлантириши жамғармасига товарларни реализация қилиш ҳажмидан хисоблаб чиқариладиган мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинадилар.

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳсус печлардан фойдаланган ҳолда пишган фишт ишлаб чиқарувчи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солик солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ер қаъридан фойдаланганлик учун солик тўлаш мажбурияти сакланган ҳолда ягона солик тўловига ўтиш хуқуки берилади.

Имтиёзлар асосий фаолият тури – пишган фишт ишлаб чиқарышга татбиқ этилади. Бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналар алоҳида-алоҳида хисоб юритишлари ҳамда улар бўйича соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларida назарда тутилган тартибида тўлашлари лозим.

2012 йилнинг 1 январидан кейин ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Низом билан назарда тутилган преференциялар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб тақдим этилади.

**2009 йил 3 августан кучга кирди.**

### ТЕРМИНАЛЛАР УЧУН ЖОЙ

Марказий банк, Давлат солик кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 27 июляда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул хисоб-китобларини амалга оширишда уларни кўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Чунончи, тўлов терминални мажбурий равишда авиация ва темир йўллар паталарини сотиш кассалари, коммунал хизмат-

Меърий-хуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 18 июлдан 31 июнгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 30-31-сони асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СҮМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 4 августан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа хисоботларни юритиши, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1247,43	1 Малайзия рингити	424,90
1 Англия фунт стерлинги	2492,18	1 Польша злотиши	511,53
1 Дания кронаси	285,06	1 СДР	2315,30
1 БАА дирхами	405,81	1 Туркия лираси	1013,63
1 АҚШ доллари	1490,54	1 Швейцария франки	1390,95
1 Миср фунти	268,96	1 ЕВРО	2121,63
1 Исландия кронаси	11,76	10 Жанубий Корея вони	12,19
1 Канада доллари	1383,20	10 Япония иенаси	157,35
1 Хитой юани	218,20	1 Россия рубли	47,85
		1 Украина гривнаси	193,63

\*) Валюта қийматини белгилаш чорига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
  - Семинар сайлов қонунчилигига бағишлианди
  - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
  - Учинчи корхона ортиқча
  - Болали аёл диплом ҳимоя қиласи
  - Валюталар курси 1-2-бетлар
  - ДОЛЗАРБ МАВЗУ
    - Ҳавфли иш...

3-бет

- ПАРДА ОРТИДАН
  - «Қалоблар пирі» 4-бет
  - ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
    - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:
    - «Деворборл материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасида-

3-бет

### Юридик маслаҳатлар

## УЧИНЧИ КОРХОНА ОРТИҚЧА

А корхона Б корхона билан 3 йил муддатга 10 млн сўм суммасига қарз шартномасини тузди. Б корхона ана шу пулга олди-сотди шартномаси бўйича В корхонадан кўчмас мулк объектини харид килди. В корхона ўз кўчмас мулкни сотишдан олган пуллар Б корхонанинг қарз мажбуриятлари билан боғлиқми? (Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасида бу ҳақда ўч нарса дейилмаган). Корхона уларни эркин тасарруф қила оладими? Ёрдамнинг учун олдиндан миннатдорчиллик билдирамиз.

Хурмат билан Б.Аҳмаджонов.

– Сизнинг ҳолатингизда ана шу икки шартнома ўзаро боғланмаган ва тамомила турли битимлар ҳисобланади. Биринчи ҳолда икки корхона – А ва Б қарз шартномасини тузган, унга кўра бир тараф (қарз берувчи) иккичи тарафга (қарз олувчига) пулни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса унга олинган қарзга тенг сум-

мани қайтариб бериш мажбуриятини олади (Фуқаролик кодекси (ФК) 732-моддасининг биринчи қисми). Мажбуриятлар фақат Б корхонада вужудга келади, пулни берган А корхона ҳар қандай мажбуриятдан озод бўлади. Б корхона пулни ўзининг муайян мақсадлари учун қарзга олади ва ундан ўз хошиши бўйича фойдаланишга ҳақлидир.

Хатингиздан кўринишича, В корхона умуман қарзга даҳлор эмас, шунчаки олди-сотди битимини тузади, бунинг натижасида бир тараф (сотувчи – В корхона) кўчмас мулкни ғашмада қабул қилиб топшириш мажбуриятини олади, у эса ўз навбатида, ушбу кўчмас мулкни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФК 386-моддасининг биринчи қисми).

Тегишинча, лозим даражадаги битимини тузгач, В корхона кўчмас мулкни сотишдан олинган пулни ўз хошишига кўра тасарруф қилишга ҳақлидир ва у қарз шартномаси бўйича ўч ҳақдайдаги мажбуриятта эга бўлмайди.

## БОЛАЛИ АЁЛ ДИПЛОМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Кўзимнинг талабалик таътилига қандай қилиб пул тўланишини тушунириб берсангиз. У коллежнинг сиртқи бўлимида ўқиди ва ҳозирда бола 2 ёшга тўлгунча парваришилаш таътилида бўлиб, энг кам иш ҳақининг иккича бараварига тенг миқдорда нафақа олади. Диплом ҳимояси учун чакирив қоғозига асосланиб уни болани парваришилаш таътилидан чакириб олиш ва ўртача иш ҳақи тўлаш мумкини?

И.Сисоева, бухгалтер

– Мехнат кодексининг (МК) 249-моддасига мувофиқ таълим муассасаларида ишлаб чиқарышдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўкув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибида иш жойидан ҳақ тўланадиган кўшимча таътилга чиқиши, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш хуқуқига эгадирлар. Чунончи, МКнинг 256-моддасига кўра олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида таълим олаётган ходимларга битирив имтиҳонларини топшириш даврида ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда камидан ўттиз календарь кун, ўрта маҳсус ўкув юртларида диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ҳимоя килиш даврида иккича миқдорда кўшимча таътиллар берилади.

Агар қизингиз болани парваришилаш таътилида эмас, балки ишлаб чиқарышдан боради иш берувчи унга таътил беради керак эди. У ҳозирги пайтда ишламаётганилиги, балки болани парваришилаш таътилида эканлиги боис иш берувчи унга бундай таътилини боришига мажбур эмас.

Бироқ агар у қизингизни таътилдан (шу

жумладан – диплом ҳимоя қилиш даврида) чакириб олишни хоҳласа, МКнинг 147-моддасига мувофиқ фақат қизингизнинг розилиги билан буни қила олади. Қизингиз унга икки ўшга тўлгунча бериладиган болани парваришилаш таътилини ва бола уч ўшга тўлгунча бериладиган иш ҳақи сақланмайдиган таътилни тўхтатиши, улардан тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланиши мумкин. Масалан, аввал уч оидидан фойдаланиши ва ишини давом этитиши, сўнгра яна таътилини давом этитиши мумкин. Яни бола уч ўшга тўлгунча ушбу таътиллардан фойдаланишининг гоятда турли варианларини кўллаш мумкин бўлади.

Бунда аёл ходим ушбу таътил даврида тўлиқсиз иш вақти шартларида ишга чиқканда болани парваришилаш нафақасини олиш хуқуқини сақлаб қолади. МК 119-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ эса тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаш ходимлар учун хуқуқларни бирор-бир тарзда чекламайди, яни иш берувчи қизингизга таътил олиш билан боғлиқ таътил беради керак. Шу тарика, у нафақа тўланишини сақлаб қолади ва таътил олиш хуқуқидан фойдалана олади.

Жавобларни «NORMA» МЧЖнинг эксперт-юристи Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

### МДХ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИННИГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	06.08.2009	1	0,8041	1	1,1579	1	0,0258
Арменистон	05.08.2009	1	369,33	1	531,31	1	11,87
Беларусь	06.08.2009	1	2809,00	1	4040,75	1	90,23
Грузия	06.08.2009	1	1,679	1	2,4164	1	5,3931
Қозогистон	06.08.2009	1	150,82	1	216,94	1	4,84
Қирғизистон	01.08.2009	1	43,537	1	61,3676	1	1,3975
Латвия	06.08.2009	1	0,488	1	0,702804	1	0,0157
Литва	06.08.2009	1	2,4006	1	3,		

# ХАВФЛИ ЙИШ...

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қайси жабхасида бўлмасин, бизнес ишингиз яхшигина юришиб турганлигига қарамай, хавфсизлик нуқтаи назаридан ниманингdir муҳофазасини ўйлашингиз шубҳасиз. Ўзингиз учун муҳим бозор мезонларини аниқлашга кетадиган вақтни қис-қартириш ниятида бўлсангиз, муайян йўналишда кураш олиб боришга тўғри келади. Биринчи масаласа муваффакиятли ҳал этилишини ички хавфсизлик бўйича яхши йўлга кўйилган тизим таъмин этади, иккинчисида эса ишнинг кўзини биладиган тижорат разведкасига суюниш керак. Ҳар иккала стратегия долгали даврда омон қолиш нуқтаи назаридан муҳим бўлгани билан муайян таҳдид-таваккалчилклари ҳам бор.

Гапни хавфсизликдан бошлайлик... Ишда махфилик пардаси билан ўраб ташланган ахборот олиш учун рухсатнома зарурати билан боғлиқ ҳужжатбозлик кўпайиши, бошқа қатор нокулайликлар юзага келиши, қолаверса, касбий ма-лака борасида ўсиш-кўтарилиши имконияти йўклигидан ҳафсаласи пир бўлган энг қобилиятли ходимларнинг кетиб қолиши йўсинида хавфсизликни ҳаддан зиёд ошириб юбориш ҳам мумкин. Интеллектуал мулкдан ўлардай ҳадиссираётган бошлиқлар ҳаммаёққа тўсиқ қўйиб ташлагач, тузукроқ мижозлар билан муносабатнингизни кўз узмай кузатиб тургач, истиқболли ишлардан умид қиласангиз ҳам бўлади... Бошқа тарафдан олганда, ушбу сатрлар муаллифи хизмат тақозоси билан баъзи-баъзида давлат муассасаларига бошқа тузилмаларда бўлар экан, хавфсизликка ҳаддан ташқари зўр берилган тартиботга дуч келганилиги боис комил ишонч билан айта оладики, жаҳонда инсон омили деган нарса бор экан, ҳар қандай пухта ҳимоя ва муҳофаза чикора. Қўйида бунга мисоллар келтирамиз.

Қаттиқ қўриқланадиган бир нуфузли тузилма матбуот хизматининг ниҳоятда тажрибали, билимдон раҳба-

# ЎҚИШНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

**Мүмин АШУРОВ,  
«МАДАД» сугуртасынын  
агентлиги бош директори.**

- Суғурта компаниялари учун бизнес хавфсизлиги масаласи кўп жиҳатдан мутахассисларнинг билим ва малакаси савиёсига боғлик. Айтайлик, бизда мен алоҳида қадрлайдиган одамлар бор. Булар энг аввало компанияларнинг суғурта заҳираларини ҳисобга олиш учун мутасадди тажрибали мутахассислар-дир. Суғурталовчилар бу борада мени яхшироқ тушунадилар деб ўйлайман. Бу иш анча нозик, машаққатли бўлгани учун ҳам моҳиятни тушуниб олиш учун одам бизда камида 2-3 йил ишлаши кепрак. Худо кўрсатмасин хато қилинса борми, жиддий муаммолар, шу жумладан солиқ солиш соҳасида шундай муаммолар келиб чиқиши мумкин...

- Ахборотнинг чегъта чиқбек кетиши билан боғлиқ қайси йўллар, айтайлик матбуот, давра суҳбатлари, кўргазмалар ва тақдимотлардан қайси бирни суғурта компаниялари учун кўпроо долзарб хисобланади?

- Мен матбуудагы ахборотларни диктат билан, синчилкаб күзатиб бораман: одатта оддийгина мақолалардан ҳам у ёки бу йұналишда қизиқарли маълумотлар топиш мүмкін. Давлат суғурта назорати, масалан, ўз шархла-рида компаниялар бўйича маълумотларни фойз шаклида ёки аввалги йилларга нисбатан қандай ұстапшылыгин жүйларда хабар қиласди. Уларда мутлақ аҳамият берадиган нарса топмайсиз. Ҳаммаси бир қараганда рисоладагидек, бозор иштирокчиларига муносабатда одоб сакланган. Суғурта компанияларининг рэн-

<sup>1</sup> Рэнкинг (инглизча *to rank* – буй-бүйига қараб тартибга солиш) тегиши күрсаткычларидан келиб чиқиб, ҳар қандай йүсінде тартибга солинган компаниялар рұйхати.

<sup>2</sup> Фуқаролик кодексининг 98-моддаси.

# ХАВФСИЗЛИК ВА ТИЖОРАТ



## РАЗВЕДКАСИ

ўйда ўзимни қолиб бошқа гувоҳномани олган эканман. Банкнинг белда курол осиғлиқ иккита азамат посбони ҳужжатдаги сурат билан гувоҳномани тақдим этиб, мўмин-қобилгина бўлиб кутиб турган «асл нусха» ўртасидаги гендер тафовутини фарқлай олмади. Ўзимни бунчалик хотиржам тутишимнинг боиси ҳужжатни адаштириб қўйганлигимни ўзим ҳам билмасдим. Инсон омили...

Тижорат разведкасига келганды, айтиш жоизи, бу иш билимдонлик билан олиб борилса, иктисодидеги, муйайян бозордаги, муйайян рақобатчидағи у ёки бу воқеаларга нисбатан тайёр бўлиб туриш, бошқача қилиб айтганда, тегишли ҳаракатлар қилиш учун сизга макон ва вақт беради. Бизнес борасида тўғри қарор қабул қилиш учун ахборот замини ҳақида ўйламайдиган, ташвиш қилмайдиганлар эса кутимаган янгиликдан, ахборотдан хабар топгач, шоша-пиша, бўл-бўл қабилида иш кўришга мажбур бўлади.

Бошқа тарафдан олганда, муайян разведка билан шүгүлланмаётган компанияга ўзингиз учун фойдалы бирон-бир қарорни кийин. Таъсир кўрсатиш йўлларини излаб мақсадда пул, маблағ сарфлаш, хуллас бошрак. Ҳолбуки, тайёр разведка имконияти ҳам у қайси манбалардан фойдаланаётганлигини ахборотга ўзингиз учун керакли йўналишда узатиш киритиб тарқатиш талаб этилади, холос.

ай ҳолда ҳам ҳар бир бизнес мулқори ёки о менежери хавфсизлик вазифасини: а) ўз муайян корхона учун долзарблик даражасидан ҳал этади. Шу сабабли мазкур масала бўйича тиф этилаётган нуфузли фикр-мулоҳазалар тегеран жавоб бермайди: шундай соҳа билан хонанинг бошқа ҳар қандай раҳбари бутун-фикр-мулоҳазаларни билдириши мумкин.

дад» агентлигига уни раҳбар қилишлари даргумон... Ана шунда бу ерда ортирган билим, малака ва кўниг масини бошқа жойда ишлатиш ҳаракатига тушиб қолади, Сизлардаги ўзи бош бўлиб турган жабҳани «хувиллатиб» кетади. Суғурта бизнесида бу нарса долзарбми?

- Афсуски, жуда долзарб.  
- **Унгы қарши қандай кураш олиб берилтий?**

— Нега курашиш зарур? Бу табиий ҳолат, унинг ўзига яраша ижобий жиҳатлари ҳам бор. «Мадад» агентлигидан парвоз қилганлар бошқа қўптина компанияларда раҳбар бўлиб, муҳим мансаб эгалари бўлиб ишламоқдалар... Хуллас, бундан чўчимаслик керак. Узок вақтлар мобайнида ўзинг мулокотда бўлиб келган, мутахассис сифатида шаклланишида ўзинг иштирок этган одам яхшилик билан бошқа жойга ишга кетаётган бўлса, соғ инсоний тўйгу у ўзини тарбиялаб вояга етказган компанияга ёмонлик қиласайди деган ишонч беради. Масалан, мен шогирдларимни бошқа ишга кўтарилишларига мамнуният билан

ижозат бераман.

**яҳшироқ иш тақлиф этишимиз**

сенинг заиif жиҳатингдир.

Одамларни ўқиш, хизмат пиллапо-  
ясидан кўтарилиш, чет элга бориб ста-  
жировка ўтказиш сингари истиқболли  
жиҳатлар билан ушлаб туриш мумкин.  
Менимча, сугурта бизнесида энг муҳим  
омил бу – ўқишидир. Масалан, асосий  
лавозимларда ишлаб турган кўпгина хо-  
димларимиз компаниямиз хисобидан  
Москвадаги халқаро муносабатлар ин-  
ститутида курсларда ўқиб келишибди,  
хорижда ўтказилиладиган турли семинар-  
ларда иштирок этишимоқда. Лекин ме-  
нинг асосий суннадиган нарсам ком-  
пания ичидаги инсоний муносабатлар  
ва мутахассисининг шу ерда ўсиши учун  
потенциал имкониятдир.

**Юлия ЯШИНА,**  
**«Норма маслахатчи»нинг**

Лавоми бор

#### **НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

## «ҚАЛЛОБЛАР ПИРИ»

У бухгалтер-кассир бўлиб ишлаганида 1 150 долларлик камомадга йўл қўйиб, полициядан яширинди. Америкадан Гондурасга жўнаб кетди, у ерда фирибгар ва қаллоблар билан боғланиб қолиб, ўлишига бир баҳя қолди. У дабдабали ва ҳашаматли ҳаётни яхши кўрар, нимаки ишлаб топган бўлса, барини сарф-харажат қилиб тарарабедод қилиб юришини ёқтиради. Бу ҳамиша қувноқ зот – ёзувчи О'Генридир.

### ОМАДИ ЮРИШМАГАН БУХГАЛТЕР

Уильям Сидни Портер машҳур ёзувчи бўлиб танилишдан аввал кўплаб касбларга кўл уриб кўрганлигини камдан-кам одам билади. Оилавий шароит туфайли у 15 ёшида мактабни ташлаб, дориҳонада пештахта ортида ишлай бошлади. 4 йилдан кейин у Техасга ранчога жўнаб кетди ва у ерда ўз билимини мустақил ошириш билан машғул бўлди. Шундан кейин тамакифурушилик дўйонида, ер бошқармасида ва ниҳоят Техасдаги банклардан бирида ишлади. Унинг таржими холига оид талайгина саҳифалар банк билан боғлиқдир. 1895 йили Техас штатидаги овлоқроқ Остин шахридаги биринчи миллий банкнинг бухгалтер-кассири Уильям Портерни ўша даврда жуда катта сумма ҳисобланган 1 150 долларни талон-торож қилганлика айладилар. Гап шундаки, банк ходимлари кўпинча банк кассидан нақд пул олиб ишлатиб юрардилар. Бундайлар орасида Уильям ҳам бор эди. Аммо қарзини вақтида қайтарадиган ҳам-касабаларидан фарқли равишда бўлгуси адаб олган пулларини қайтишини ўйламасди ҳам.

О'Генри ҳаётни ва ижодини ёри-түвчилар чиндан ҳам у айборд бўлган-бўлмаганлиги хусусида ҳанузга қадар баҳслашадилар. Бир тарафдан, у бемор рафиқасини даволатиш учун пулга жуда мухтоҷ эди. Иккичи тарафдан, кассир Портер банқдан 1894 йилнинг декабрида бўшаб кетган, талон-торож эса 1895 йилдагина аниланган. Аммо фактлар ўқар бўлади. Шу сабабли унга қарши жиноят иши қўзатилди ва у 1896 йилнинг февралида дастлаб Янги Орлеанг, у ердан эса Гондурасга жуфтакни ростлаб қолди. У бир тасодифми ёки атайин бўлганми, ҳар қалай Портер учига чиқсан босқинчи Эл Женнингс билан ошно бўлиб қолди. Улар Гондурасдаги бир фитнада иштирок этгач, Мексикага қочиб қолиши. Женнингс бу ўлкада бўлгуси ёзувчини нақд үзимдан асрар қолди.

### ЗИНДОНДА ЎТГАН НИЛЛАР


Мексикада Портер суюкли ра-фиқасининг оғирлашиб қолганлиги ҳақида телеграмма олди. Америкада бир ўзи қолган аёл очлик ва қашшоқликдан қийналиди, даволанишга ҳам имкони бўлмабди. Шунга қарамай, у янги йил арафасида тўр тутилган рўйпўшини 25 долларга сотиб, Мексикадаги эрига совға қилиб соати учун тилла занжир юборибди. Буни қарангки, айни шу кезда Портер поезд билети олиш учун соатини сотган экан. О'Генри бу воқеани «Жодугарлар тухфаси» деган ҳикоясида жуда муфассал баён этган. Ҳикоя қархамонлари Делла ва Жим бир-бирига янги йил соғаси тақдим этиш учун ўзлари-

нинг энг қимматбаҳо буюларини сотадилар. Таассуфки, ҳикояда тавсиф этилганидан фарқли рашида реал ҳаётда воқеанинг хотимаси фожиали бўлиб чиқди. Портер Америкага етиб келганидан кейин бир неча кун ўтар-ўтмас рафиқаси вафот этди, унинг ўзини эса 5 йилга турмага қамадилар. У зинданда 3 йилдан сал ортиқ ўтириди. Намунали ҳулқ-атвори ва турма дориҳонасида яхши ишланиши учун уни муддатдан олдин озод қилдилар. Дарвоқе, уни бутун жаҳонга танитган тахаллуси худди шу ерда – турма дориҳонасида ўйлаб топилган. Уильям Портер дориҳона маълумотномасини вараклаб ўтириб, ўша даврларда номи жуда машҳур бўлиб кетган француз фармацевти О'Анри фамилиясини учратиб қолди. Шу фамилияни инглизча талаф-фузда О'Генри тарзида ўзига тахаллус қилиб олди. Ёзувчининг қуйидаги гапига шу маънода ажабланмаси бўлади: «Агар жамият билиб банди этса, турма деганларининг жамиятга тузукина нафи тегадиган пайтлар ҳам бўлар экан».

О'Генри ўз асарларини қамоқда эканлигига ёза бошлаган. Айни ўша ерда унинг дастлабки сюжетлари ва образлари яратилган. Энг қизиқарли воқеалардан бирига тўхталиш мумкин. Уильям Портер билан бир камерада сейфларни очиш билан донг таратган ўғри Дик Прайс ётган. Унинг бу «хунари» бир куни ниҳоятда пулдор бир одамнинг қизи сейфга қамалиб қолганида жуда кўл келган. Прайс ўта маҳфилиги билан донг таратган сейф куличини тирноғи билан 12 секундда очган. Қилган бу яхшилиги учун уни афв этамиш деб ваъда қилишган бўлса-да, уни алдашган. Ана шу сюжет О'Генрининг биринчи асарига асос бўлди. Унда қулф-бузар ўз қайлигининг сейфга қамалиб қолган жиянини куткаришга ёрдам беради. О'Генри дастлаб ҳикояни у билан бирга ётган маҳбусларга ўқиб берарди. Эл Женнингснинг хотирлашича, «Портер паст, ширали овозда ҳикояни ўқишига киришган онданок бутун атрофни сукунат қопларди. Нафас олишга ҳам чўчирдик. Кимдир уф тортгач, Портер гёй ўйкудан ўйғонгандек бўлди. Баъзилар мийигида кулганча, ўйчан ўтирас, кимдир майиб қўли билан кўз ёшларни артар экан, жин урсин сизни Портер, ҳаётимда биринчи марта йиглашим, шу пайтгача кўз ёши нима эканлигини билмагандим деб юборди».

### ОЛИЖАНОБ ҚАЛЛОБЛАР ВА «ФОРД» КОРПОРАЦИЯСИННИНГ АВТОМОБИЛЛАРИ ТЎГРИСИДА

«Олижаноб қаллоб» деган ҳикоялар тўплами О'Генрининг жинойи ўтмиши билан боғлиқ. Ҳикоялар-



дан бирида тасвирланган қаллоб ва фирибгар Энди Танкер нимаси биландир муаллифнинг ўзига ўхшаб кетади. Унинг шериги – Жефф Питерс эса Уильям Портернинг нақ ўзи. «Мен ҳалол, ошкора бенесни ёқтираман, – дейди Жефф. – Мен бирорнинг пулини олар эканман, ҳаридоримнинг қўлида биронта қизиқроқ нарса қолдиришни ёқтираман, мақсад у шу нарсага овора бўлиб қай тарафга қочиб қолганини билолмай қолсан». Жефф Питерс пулини сира қадрламас, шу сабабли уларни ҳисоблаб ўтиромасди ҳам. Фирибгарлик ёққани учунгина шу иш билан шуғулланишини кўп таъкидларди. О'Генри ҳам пулни бетига қарамай сарфларди, савдо-лашмасди ҳам, қилган иши учун пулини индамайгина олиб кетаверади. Унинг бир гапи ёзувчининг пулага муносабатини жуда аниқ таърифлайди: «Мен жаноб Холлга, унинг сўзларига қараганда, 175 доллар қарз эмишман. Ўйлашимча, ундан қарзим 30 долларга ҳам бормайди. Лекин у ҳисобга пухта, мен эса ундай эмасман...»

ХХ асрнинг бошларига келиб сабобиқ бухгалтер ўзининг адабиёт жабхасидаги меҳнати учун тузуккина пул олди. Масалан, Нью-Йоркдаги «World» газетасида қисқагина бир ҳикояси учун О'Генри 100 доллар олган (йилига 60-70 та ҳикоя ёзарди). Ўша кезлари 100 доллар қандай қувватга эга эканлигини билиш учун О'Генрининг асарларига мурожаат этиш кифоя. Масалан, «Жодугарлар тухфаси» ҳикоясининг қархамонлари мебели билан ижарага берилган квартира учун ҳафтисига 8 доллар тўлар эди. Нью-Йорк меҳмонхонасида яшаш учун бир хонани бир кунга 5 долларга беришарди. Ўша кезлари, 1908 йилда чиқарилган «Форд-Т» автомobili 850 доллар турарди. Шунга қараганда, О'Генри бир йилда 7 та яп-янги «Форд» сотиб олишга қодир эди. Аммо олди-ортига қарамай сарфлашга ўрганиб қолган машҳур ёзувчининг қўлида пул турмасди. Айтиш жоизки, ҳикояларида пул ҳақида кўп гапирилади, шу сабабли унинг фикрларига ҳикматли сўз ва иборалар даражасида қарашади. Унинг мана бу айтганлари қаллоблик билан боғлиқ ўтмишидан ёрқин далолатdir: «Ўзгларнинг чўнгагидаги ҳар бир шиллингни у ўзи учун ҳақорат деб билади ва нима сабабдан бегона кишиларни тунайсиз, наҳотки танишларингиз бўлмаса деб сўрагани-сўраган».

Хорижий матбуот материалларидан.

### ТАБИАТНИ ЭЪЗОЗЛАШ КЕРАК

Россия хукумати экология ва санитария-эпидемиология талабларини бузувчиларга жиддий жазо беришга қарор қилди.

Давлат думасига Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга тузишилар киритилиши назарда тутилган қонун лойиҳаси киритилди, унга мувофиқ экологик қоидабузарликларга даҳлор шахслар 500 рублдан 1 000 рублгача (ҳозир 100 рублдан 500 рублгача), компания мансабдор шахслари – 1 000 рублдан 2 000 рублгача (ҳозир 500 рублдан 1 000 рублгача) жарима тўлайдиган бўладилар. Юридик шахслар учун энг юқори пулли жарима миқдори ҳозирги кунда амал қилаётган 20 000 рубль ўрнига 30 000 рублни ташкил қилди.

Дарвоқе, апрель ойи ўрталарида атроф мухитга салбий таъсир кўрса-таётган ҳамда федерал давлат экологик назоратига олиниши лозим бўлган муайян хўжалик ва бошқа фаолият объектлари руйхатини тасдиқлаган хукумат қарори кучга кирди.

### ХОРИЖИЙ КУЧЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Россияга визасиз тартибда келган ва меҳнат ёки фуқаролик-ҳукукий шартномалар тузмаган хорижий ишчиларнинг ишлашлари учун руҳ-сатнома энди 90 кунгача муддатда берилади.

Вазиятн тўғрилаш учун чет эллик фуқаро миграция хизматига унинг ишга жойлашганини тасдиқлайдиган хужжатни тақдим этиши мумкин. Мазкур ҳолатда унинг Россияяда бўлиш муддати (бир йилга), шунингдек ишлашга руҳсатнома ҳам узайтириб берилади (меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига, бирор РФга кириш кунидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак). Бундай тартиб 2009 йил 28 апрелдан кучга кирган Россия федерал миграция хизмати бўйруғи билан белгиланган.

### СОЛИҚЛАР ҲАММА УЧУН МАЖБУРИЙ

Дунёда бирорта мамлакат йўқки, соликларни тўлашдан бўйин товлаган ҳолда ноқонуний равишда тежовчи ишқибозлар ўзларини буткул хавфсиз сезсалар. Бу ҳақда яқинда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) маълум қилди.

Апрель ойи бошлариди Коста-Рика, Филиппин, Малайзия ва Уругвай ИХРТ вакиллари билан алоқа қилишни ҳоҳламаётган мамлакатларнинг қора рўйхатига киритилди, бу билан улар ўзларининг молиявий жиноятларни яширишдаги иштирокларни билвосита тасдиқлаб берилди. Бирор бир неча кун ўтибок, ИХРТ раҳбари Анхель Гуррианинг маълум қилишича, бу тўрт давлат Ташкилот мөъёлларига мувофиқ соликқа оид маълумотлар билан ахборий алмашувни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига олишган ҳамда бу билан солик ташкилотлари ва бошқа молиявий марказларнинг «кулранг» рўйхатига ўтишга мусассар бўлишган. Бу вақтга келиб ушбу рўйхатда 32 мамлакат, шу жумладан Швейцария, Австралия, Люксембург, Виргиния ороллари, Багама ҳам бор эди. Мазкур ҳудудларнинг сиёсий раҳбарияти «солик тўловларининг ишончлилиги рейтинги» тузувчилари билан тўлиқ ҳамкорлик қилмоқдалар, бирор соликларни тўлашдан бўйин товладиган олғирларга халал берадиган қонунларни қабул қилишга шошилмаяптилар. Шуни кўшимча қилиш керакки, ИХРТ фахрли «оқ» рўйхатига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар киради.

### ЛИТВАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Иқтисодий инқироз Литва ҳукуматини мамлакат солик тизимини буткул қайта куришга унди.

Чунончи, КҶС стандарт ставкаси 18 фоиздан 19 фоизга ошиди. Шу билан бир вақтда мазкур солик бўйича илгари амал қилган деярли барча имтиёзлар бекор қилинди. Янги музлатилган гўшт, парранда ва балиқ, китоблар ва нодаврий босма нашрлар, дори-дармонлар ва бошқа тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари ислоҳот «оқими»га тушди. Масалан, ташкилотлар фойда солигининг ставкаси 15 фоиздан 20 фоизга ошиди. Дарвоқе, кичик ва ўта бизнес корхоналари учун бир қатор «фойдали» преференциялар саклаб қолинди. Бошқа томондан, ҳукумат тамаки, алкоголли маҳсулотлардан ҳамда Болтиқбўйи давлатлари ҳудудида сотиб олинадиган ёқилғидан ундириладиган акциз йиғимларини ҳам ошириш керак деб топди. Якка тартибдаги корхоналар эгалари ва ўз-ўзини банд қилган шахслар учун мажбурий ижтимоий сууртага бадаллар миқдори ҳам анча ошиди.

Бир гўруҳ литвалик эксперталарнинг баҳолашларича, бу кўрилган чоралар ҳозирча ижобий натижалар бермаяти ва ҳатто аксинча – кўп корхоналарнинг «яширинишларига» рағбат бермоқда. Жорий йилнинг дастлабки иккӣ ойи якунлари бўйича Литва газнисига режалаштирилган даромаднинг атиги 86,5 фоизи келиб тушди.

### МЧЖГА УСТАВНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ

РФнинг «Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги федерал конунига киритилган ўзгартаришларга мувофиқ, бундан буён МЧЖни рўйхатдан ўтказишида таъсис шартномаси тузилмайди.

2009 йил 1 июлдан бошлаб жамиятнинг ягона таъсис ҳужжати устав бўлади. Янги қонун билан жамиятга устав капитали улушкини ўтказиши таомили тартибига солинади. Унда улушларнинг кимга тегишилиги ва номинал қиймати акс эттирилмайди. Жамият аъзолари ва уларнинг устав капиталидаги улушлари ҳақидаги барча маълумотлар Юридик шахслар ягона давлат реестрида сакланади.

Шу билан бирга қонунда битимлар бўйича учинчи шахслар улушкининг фуқаролар меросхўларига ва юридик шахсларнинг ҳукукий ворисларига ўтиш тартиби ҳам аниқ баён этилган. Бундай чора-тадбирлар жамият иштирокчилари ҳукукл

# ЎЗБЕКИСТОН КОНЧУНЧИПИГИДАГИ АНГИЛХАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- “Деворбоп материаллар ишлаб чиқариши кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”;
- “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ
- “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
- ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ҳамда янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари камайишини ҳамда тайёр маҳсулот нархининг арzonлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ҳисобига сифати деворбоп курилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда ички бозорни шундай материаллар билан тўлдириш, уй-жойлар, айниқса, қишлоқ жойларда иморат кураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини янада тўликроқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан манфаатдор идоралар ва корхоналар билан биргалиқда ишлаб чиқилган 2009-2011 йилларда пишган гишт ишлаб чиқарувчи янги замонавий кувватларни яратиш Дастани иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иккита муддатда ушбу тасдиқланган Дастанни амалга ошириш бўйича комплекс ташкилий-техникавий тадбирларни тасдиқласин, бу тадбирлар:

замонавий энергия тежайдиган технологиялар билан жиҳозланган, шу жумладан мини-технологиялар кўлланиладиган деворбоп материаллар ишлаб чиқариш бўйича янги кувватлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини;

2010 йилнинг 1 январига қадар муддатда пишган гишт ишлаб чиқарувчи амалдаги корхоналар модернизация қилиниб, ностандарт, тежамсиз печларнинг маҳсус энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга алмаштирилишини;

деворбоп материалларнинг муқобил турларини кўлланиш, шу жумладан йигма, композицион ва кичик блокли конструкциялардан фойдаланиш асосида обьектлар курилишининг янги замонавий индустрисал технологиялари кенг жорий этилишини таъминлайди.

2. Шундай тартиб ўрнатилисинки, унга мувофиқ:

2009 йилнинг 1 юнидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда маҳсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги соликлар, давлат мақсади жамғармаларига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий аҳратмалар тўлашдан озод қилинади (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно);

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб фойдаланганларни қазиб чиқарувчи ва ер бағридан фойдаланганлик учун солиққа тортилувчи микро фирмалар ва кичик корхоналарга пишган гишт ишлаб чиқарганида ер бағридан фойдаланганлик учун солик тўлаш бўйича мажбуриятларни сақлаб қолган ҳолда ягона солик тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи берилади;

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб ностандарт, тежамсиз печларни маҳсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирамаган, шунингдек, белгиланган солишишторма сарф нормаларидан ортича ҳамда табиий газдан фойдаланаётган пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газ амалдаги улгуржи нарҳда берилади;

Ўзбекистон Республикаси Дастан геология қўмитаси томонидан 2012 йилнинг 1 январига қадар муддатда энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилган пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга соддалаштирилган тартиб асосида хомашё базасини яратиш ва кенгайтириш, гиштбоп хомашёни тажриба-саноат ва саноат кўламида қазиб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер бағри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олишга лицензия берилади, бунда тегишли ер бағри участкаларидан фойдаланишнинг аниқ шартлари белгилаб кўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Дастан солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда 2009 йилнинг 1 юнигача бўлган муддатда пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ушбу қарорда белгиланган солик имтиёзлари ва преференцияларни кўлланиш тартибини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин, унга риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. «Ўзкурилишматериаллари» акциядорлик компанияси: бир ой муддатда машинасозлик корхоналарида деворбоп материаллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологик линиялар ва ускуналар тайёрлашни маҳаллийлаштиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

«Ўздавнефтгазинспекция» ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан биргалиқда 2009 йилнинг 1 августига қадар муддатда пишган гишт ишлаб чиқаришга табиий газ сарфи нормаларини ҳисоб-китоб қилиш методикасини ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси «Давархентектикарилиш» қўмитаси ҳамда лойиҳа институтлари билан биргалиқда энергия ва ресурсларни тежайдиган технологоло-

\*Ушбу қарор “Халқ сўзи” газетасининг 2009 йил 1 юнадаги 130 (4793)-сонида эълон қилинган.

гиялар кўлланиладиган турли кувватдаги фишт заводларининг бир хилдаги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ёқилги-энергетика ресурсларини тежаш бўйича комиссия (Ш.М.Мирзиёев) «Ўзкурилишматериаллари» АК, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокиммилклари билан биргаликда ностандарт, тежамсиз печларни маҳсус энергия ва ресурсларни тежайдиган ишлаб чиқариш технологияларига алмаштирган ҳолда фишт корхоналарини модернизация қилишга оид чора-тадбирлар амалга оширилиши мониторингини ташкил қилсин ва ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига материалларни тақдим этиб турсин.

6. Тижорат банкларига пишган фишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга ностандарт, тежамсиз печларни маҳсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирган ҳолда

модернизацияни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 19 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ  
УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсанки, Хўкумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ;

тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлнимлари сезиларли равишда ўзгаририлди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилк қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринbosарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сони фармойишига мувофиқ ўтказилган атtestация натижалари бўйича қонунчилик базасини чукур билидиган, инвестиция лойиҳаларини инвестицийий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўнкималарга эга бўлган раҳбарлар тайинланди;

банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар хажми 70 фойздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

2. Кўйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредит-

лаш механизмларини янада таомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

ложиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чукур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишини таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблагларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларининг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлнимларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

3. 2015 йилнинг 1 январигача шундай тартиб ўрнатилисинки, унга кўра тижорат банклари кредит портфели таркибида 1-иловага\*\* мувофиқ узоқ муддатли инвестицияйий молиялашнинг улушкига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиги тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ кўмитаси бир ой муддатда мазкур бандда нааарда тутилган солиқ имтиёзларини кўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

4. Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш

\*Ушбу қарор “Халқ сўзи” газетасининг 2009 йил 29 июлдаги 148 (4811)-сонида эълон қилинган.  
\*\*1-илова берилмайди.

бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилсин.

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғаридориладиган пенсия тизими маблағлари хисобидан кредитларни қайта молияловчи тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий ахволидан қатъи назар маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиши, уларни ажратилган фоизларни хисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Жамғаридориладиган пенсия тизими маблағлари хисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофик фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда мақсадга номувофик фойдаланилганини аниқланган барча пул миқдори жарима санкциялари кўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага\* мувофиқ 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида камиди 110 млрд сўм ҳажмда жойлаштириладиган узоқ муддатли облигациялар чиқариш борасига таклифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захирали нормаларининг табакалаштирилган ставкаларини куйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиқсан ҳолда амалиётга татбиқ этин:

– муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдорида;  
– муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдорида.

8. Қўйидагилар:  
тижорат банкларининг депозитларига ва қўйматли қарз қофозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиқка тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш хисобига ундириб олинадиган мулкни сотишда кўшилган қўймат солиги тўлашдан;

лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уч йил муддатга фойда солиги ва лизинг операцияларидан тушадиган даромад-

лар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

9. Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқариши ташкил этиш ва йўлга кўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффакиятли иш тажрибасига эга бўшқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сон фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солик имтиёзлари татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойиши билан тутилган Тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С.Азимов) мунтазам равишида, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминласин (хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Тижорат банклари раҳбарлари:

икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг кулиувчи банкларнинг таркибий бўлинмаларини самарали иш олиб бориш учун зарур компьютер техникини ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсинг;

инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтақаларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этин;

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 28 июль.

\*2-илова берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ КАРОРИ

### ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИRLAR TЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 28-сон, 328-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва спорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонидаги назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Белгилансинки, 2009-2010 йилларда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 марта даги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сон қарори билан тасдиқланган Табиий монополия субъектларининг товарлари (ишлари, хизматлари)га

нархлар (тарифлар) белгилаш тартиби тўғрисидаги низом доирасида технологик жараёнларни ва ҳом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш хисобига таннархни пасайтириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш харажатлари ва кўшимча харажатларни кисқартириш, харид қилинадиган ҳом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар нархини камайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш натижасида кўшимча даромад (фойда) олиниши қонун бузилишлари деб ҳисбланмайди.

2. Белгилаб қўйилсанки, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ олинган кўшимча даромад (фойда):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбе-

кистон Республикаси Ҳукуматининг инқирозга қарши тадбирларга доир қарорларида назарда тутилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишга;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини ва пировард нархини янада пасайтиришга ҳамда ходимларни белгиланган тартибда мукофотлашга йўналтирилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 9 июль  
188-сон.

### ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ\*

T/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Алдижон шахри «Баҳт-Ишонч-Ҳамкор» МЧЖ хузуридаги Ҳакамлик суди (Алдижон шахри, А. Ҳайдаров кўчаси, 43а-йй)	№ 18 03.05.2009 й.	1. Долимов Илхомжон Тураевич 2. Бакиров Мирзаулғебег Рахматуллаевич 3. Ашупов Ёсинахун 4. Байбабаев Адилжон 5. Курбонов Голибжон Холматович 6. Мансуров Абдулхаббор Абдувалиевич 7. Тешабоев Салим Ҳакимович 8. Ҳусанов Аскаржон Аҳмадович
2.	«Нафис Маржон Сервис» МЧЖ (Наманган шахри, 5-кичик ноҳия, 35-йй, 29-хона)	№ 1 17.04.2009 й.	1. Ахмедов Мухтор Мақсадович 2. Ҳасанов Акрамжон Абдужалолович 3. Абдуллаев Нуридин Машраббаевич 4. Ибрагимов Рустамжон Рисқинович 5. Саттаров Рустамжон Абдуллаевич 6. Мирзамахмудов Жаҳонгар Нуридинович
3.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси (Наманган шахри, Ибрат кўчаси, 33-йй)	№ 2 28.05.2009 й.	1. Муҳитдинов Муслимхожа Ҳуманович 2. Асранибов Муминжон Кучкарович 3. Жалилов Мираббоев Ваккасович
4.	«Озодлик» М.Ч.Ж. ҳусусий корхонаси (Наманган шахри, Лангар кўчаси, 11а-йй)	№ 3 23.06.2009 й.	1. Ибрагимов Алишер Шарипович 2. Ибрагимов Ваҳобжон 3. Санажаров Искандар 4. Нуриллаев Абдураҳмон 5. Долимов Хабибulla Абдуғапаровиҷ
5.	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси хузуридаги Ҳакамлик суди (Самарқанд шахри, Ўзбекистон кўчаси, 45-йй)	№ 2 24.06.2009 й.	1. Амонов Нодиржон Базарович 2. Аблокулов Салоҳидин 3. Аблокулов Гузал Ҳамроқуловна 4. Бобоев Садриддин 5. Бутунов Шахридин Юсупович 6. Ганиев Абдираҳмон Муратович 7. Дусмаматов Баҳодир 8. Исмоилов Абдуҳаким Исаевич 9. Ибрагимов Юнус 10. Каландаров Жамшид Махмудович 11. Куванов Оманкельди Куванович 12. Машарипов Улугбек Ҳожисевич 13. Махмудов Муродқобил Авазович 14. Нормуродова Шоҳсанам Мустафаевна 15. Раупов Учкун Уткирович 16. Салимов Илҳом Улашевич 17. Сайдов Амон Курбонкулович 18. Сатторов Ҳусниддин Султонович 19. Собирова Дилнора Жамшидовна 20. Султонов Эргаш 21. Тураев Шахриёр Шодиёрович 22. Туталов Бахром Орипович 23. Усаров Карим Ҳасанович 24. Убайдуллаев Солихон 25. Урнашов Саймиддин 26. Эшонкулов Азamat 27. Ҳушвақтоз Бойхуроз 28. Холиков Шерзод Шукурулаевич 29. Хидиров Тулкин Узокович 30. Хидиров Фарҳод Ниятович 31. Ҳужанов Жаҳон 32. Шеркулов Максуд
6.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси (Термиз шахри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 1-йй )	№ 1 08.04.2009 й.	1. Курбонов Ҳолијр Ярматович 2. Чарисе Тұхта 3. Джавлиев Урал Баймуратович
7.	«Эндиғи» ҳусусий корхонаси (Олмалиқ шахри, А. Темур кўчаси, 39-йй)	№ 2 02.07.2009 й.	1. Фаттахутдинов Рамиль Тарихович 2. Сантинов Аймаҳаммад Ашупович 3. Шин Николай Борисович 4. Казаков Григорий Александрович

\*«Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 29-сон.



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 32 (213)

2009 йил 10 август

# TOP

**Бўлғуси тақдимот  
маросимлари,  
кўргазмалар,  
матбуот анжуманлари ҳақидаги  
матбуот-релизларни,  
хабарнома-таклифномаларни  
«Норма маслаҳатчи» таҳририя-  
тининг реклама хизматига  
237-51-33 телефон-факси  
орқали  
жўнатишишингиз мумкин.**



“SANAY” КК Хитой ва Италиядан ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,  
уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

## Panasonic

ideas for life

ҲАВО ОҚИМИНИ  
БОШҚАРИШ

## Идеал танловингиз! Акция бошланди!

Ўрнатиш бепул!



OSIYO KOMPUTEK, LLC

6B Yangi-Zamon st. Tashkent, 100105,Uzbekistan  
Phone: (998 71) 283 35 65/66/67/68 (ext-201), mob.(998 97) 157 23 86  
Fax: (99871) 283 3569

H99

Товар  
сертификатланган

## ПУЛАТ КУВУРЛАР

енгил металл конструкциялар ва мебель ишлаб чиқариш учун  
Тошкент шаҳридаги омбордан!

Квадрат кесиши маси – 12,7\*12,7 дан 50\*50 мм гача  
Тўғри бурчакли кесиши маси – 20\*10 дан 70\*11 мм гача

Деворнинг эҳтимолий қалинлиги: 0,8 дан 2,0 мм гача  
Пўлат русуми ОЗКП DIN 2394, 2395

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

Куйидаги шаҳарларга учувчилар учун акция: У ЕРГА / У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EURda)

\* МОСКВА - 207/375 \* ЕКАТЕРИНБУРГ - 228/437 \* КАЛИНИНГРАД - 199/360

\* САМАРА - 201/345 \* СИМФЕРОПОЛЬ - 220/410 \* ВЛАДИВОСТОК - 410/650

\* КОЗОН - 201/383 \* МИНВОДИ - 182/345 \* С. ПЕТЕРБУРГ - 201/388

\* КРАСНОДАР - 201/383 \* АЛМАТИ - 131/239 \* ЕРЕВАН - 225/380

\* БОКУ - 206/377 \* БИШКЕК - 129/234 \* ИРКУТСК - 252/420

\* РОСТОВ-ДОН - 199/380 \* КРАСНОЯРСК - 196/374 \* МИНСК - 196/386

\* НОВОСИБИРСК - 207/375

У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EURda) \* ШАРЖА - 481, ВИЗА \* УРУМЧИ - 270, ВИЗА \* ИСТАНБУЛ - 448

\* КУАЛА-ЛУМПУР - 490 \* ФРАНКФОРТ - 604 \* ДОНДОН - 568

ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН \* ПЕКИН - 518

"GREEN CARD", ТАЛАБАЛИК ВА МЕХМОН ВИЗАСИ БЎЙИЧА,  
НЬЮ-ЙОРККА ДЯЖга ЧИҚУВЧИЛАР УЧУН (EURda)  
МАХСУС ЧЕГИРМАЛАР (EURda)

У ЕРГА ВА ОРҚАГА - 1 ой - 960, 3 ой - 1027, 4 ой - 1088, пенсионерларга - 908,

оилавий - 894, оилавий (2-12 ёшли болали) - 620.

У ЕРГА катталарга - 653, 2-12 ёшли бола - 349, ёшларга - 615

"TURKISH AIRLINES" РЕЙСЛАРИГА ЧЕГИРМАЛАР  
талабалар, ўқитувчилар, ногиронлар, ёшларга (хужожатлар мавжуд бўлса).ТОШКЕНТ - ПРАГА - ТОШКЕНТ 815 \$  
СУПЕРАКЦИЯ!  
ТОШКЕНТ - ИСТАНБУЛ - АНТАЛИЯ

ДИККАТ! ЯНГИЛИК!

Сизда МДХ ва олис хориж мамлакатларидан  
Тошкентга учиб келувчилар учун Тошкентда  
чинга ҳақини тўлаш имконини бор

РАСМИЙ ДИЛЕР  
ГРУППА ГАЗ

УРАЛ ГАЗ  
автомобиль  
заводи ОАЖ

Сотиш, сервис, лизинг, кафолат

Тел.: + (998 71) 2737214, 2732158. Факс 273-6965. E-mail: info@network.uz

Хизматлар лицензияланган  
Буюртмага

Металлда жамланган қувват!

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ  
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.tanlang.uz



товар сертификатланган

**КУВУРЛАР** H1366-1  
ПОЛИЭТИЛЕН  
d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра  
монтаж билан

иссиқда чидамли  
ва иссиқона

**ЕЛИМ ёрликбоп** Шартномавий нархлар

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76

**ЭЛЕКТРОДЛАР**

**ЮКОРИ СИФАТЛИ**

"VISTEC" (Украина),  
"ANYKSCIU VARIS" (Литва),  
"БОЛЬШОЙ МОСТ" (Китай)

H2315  
T: 235-79-94, 235-25-36, 510-36-10, 104-03-70

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

**ЁФОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган  
Товарлар сертификатланган

Тұлов - исталған шакыда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

• РҮЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 27 февралдаги 10-0920/478(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманинаги "ARKOM QURILISH" МЧЖ банкрот деб эълон қилинган. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 22 июлдаги тугатиш бошқарувчиси вазифасини бажаришдан озод этиш ҳақидаги ажримига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб Юнусобод туман ДСИ ходими М.Курбонов тайинланган. Кредиторларнинг навбатдаги йигилиши 2009 йил 19 август соат 15:00 да Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 95-үй, Юнусобод туман ДСИ биносида ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 95-үй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади. Тел. 235-74-88.

\*\*\*  
Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 3 июлдаги ажримларига асосан Сергели туманинаги банкротликнинг кузатув таомили эълон қилинган корхоналар

РҮЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим раками
"LOCHN SAVDO BIZNES" ШК	10-0915/10770
"BREZE GRAND STROY" МЧЖ	10-0915/10769
"SEVARA BARAKA" МЧЖ	10-0915/10768
"EVA INTERNATIONAL SERVIS" МЧЖ	10-0915/10767

Мазкур корхоналар бўйича мувоққат бошқарувчилар этиб Сергели туман ДСИ ходимлари Э.Нарманов, М.Ахмурзаева, М.Эшназаров тайинланган. Кредиторлар эълон чиқсан кундан бошлаб 1 ой давомида қўйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-үй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

\*\*\*

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 17 июлдаги 10-0913/8885-сонли ва 10-0913/8886-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманинаги "AZIYA IMKON GRANT" МЧЖ ва "FAMESTROTEX" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчилари этиб Сергели туман ДСИ ходимлари М.Ахмурзаева ва М.Эшназаров тайинланди. Корхоналарга тегишли таъсис хўжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиқсан кундан бошлаб 2 ой давомида қўйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, ба-үй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-85-93, 257-74-51.

\*\*\*

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги 11-0906F10684-сонли ажримига асосан Бўка туманинаги "Джасим Гавҳар" ФХ (СТИР 206731434) ва 11-0906F10683-сонли ажримига асосан "Йулисой" ФХ (СТИР 204864816) нисбатан банкротлик иши очилган. Кредиторлар йигилиши 2009 йил 6 август соат 10:00 да Бўка туман ДСИ биносида ўтказилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Бўка шахри, Ўзбекистон кўчаси, 1-үй. Тел.: 150-59-27, 150-64-67.

\*\*\*

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 июлдаги 11-0906F10684-сонли ажримига асосан Бўка туманинаги "Джасим Гавҳар" ФХ (СТИР 206731434) ва 11-0906F10683-сонли ажримига асосан "Йулисой" ФХ (СТИР 204864816) нисбатан банкротлик иши очилган. Кредиторлар йигилиши 2009 йил 6 август соат 10:00 да Бўка туман ДСИ биносида ўтказилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Бўка шахри, Ўзбекистон кўчаси, 1-үй.

Тел.: 150-59-27, 150-64-67.

\*\*\*

**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**

СОЛИҚЛАР  
БҮХГАЛТЕРИЯ  
ХҮКУК

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРХОД КУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Толимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxhaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

**ANDINOL**


товар сертификатланган

ишлиб чиқарувчисидан мойлаш материаллари

- Роликлар ёни ва ҳалқалар бортининг ишқаланувчи юзлари едирилишининг олдини олади

- Механизмлар тебраниши ва сирпанишида ишқаланиш узелларида қўлланади

- Занглашдан ишончли ҳимоя



Ўзбекистон, Тошкент ш., Кибрай кўч., 92


тел./факс: (+99871) 150-11-77, 268-88-61. E-mail: tashkent@ak.uz

H5057

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



НДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

# РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КаФОЛАТ

Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

## "ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ" КК

ХАЛҚА  
квадрат, поковка

конструкцион, иссиқча чидамли,  
зангламас

конструкцион шестигранник

ТУНУКА

иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас

ст. У8Г – 0,9x326 мм рулонли тасма

Техник туз 1-2 навли (Учкудуқ)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: vklm\_70@mail.ru

Бўлгуси тақдимот маросимлари,  
кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги  
матбуот-релизларни,  
хабарнома-таклифномаларни  
«Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама  
хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали  
жўнатишингиз мумкин.

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтai-назарига мос келавермайди. Чол этилган тасвишлар, тушунтиришлар, зуумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобкерлик материал муаллифи зиёма-сига юкландади.

Таҳририт оғоҳлантирилди, газетамизда маъқсад ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганилик ёки мувоғиқ равишда фойдаланмаганилик билан боллиқ ҳар қандай ҳарракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобкер эмас. Таҳририт муштариийлар билан ёзишиб туриши имконигига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўйайтириши, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида ўйл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тафъилланган диапозитилар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ буюртма 186 Адали 5078, Баҳоси келишишган нархда

Газета 2009 йил 7 августда соат 19:00 да топширилди.

ISSN 2010-5223